

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КАСИМОВ ЭЛДОР РИХСИЛАЕВИЧ

**ЯНГИ КОМБИНАЦИЯЛАНГАН НООТРОП ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИНГ МОЛЕКУЛЯР МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ЎРГАНИШ**

03.00.01 – Биокимё

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Касимов Элдор Рихсиллаевич Янги комбинацияланган ноотроп дори воситаларининг молекуляр механизмларини ўрганиш.....	3
Касимов Элдор Рихсиллаевич Изучение молекулярных механизмов новых комбинированных ноотропных препаратов.....	21
Kasimov Eldor Rixsillayevich Studying the molecular mechanisms of new combined nootropic drugs.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КАСИМОВ ЭЛДОР РИХСИЛАЕВИЧ

**ЯНГИ КОМБИНАЦИЯЛАНГАН НООТРОП ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИНГ МОЛЕКУЛЯР МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ЎРГАНИШ**

03.00.01 – Биокимё

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Tib1605 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Иноятова Феруза Хидоятовна**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Арипов Абдумалик Нигматович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Эргашева Мукаррамой Журабоевна
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2023 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Форобий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ да куни тарқатилди.
(2023 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш асосидаги
бир марталик илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухаммедов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш асосидаги
бир марталик илмий кенгаш котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Ж. Аллаева

Илмий даража берувчи илмий кенгаш асосидаги
бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир
марталик илмий семинар раиси,
биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда статистик маълумотларга кўра 47,5 миллион киши деменциядан азият кечмоқда ва ҳар йили 7,7 миллион янги ҳолатлар аниқланмоқда. 2050 йилга келиб дунёда 140 миллион бемор, яъни ҳозиргидан қарийб уч баробар кўп касал бўлиши кутилмоқда. Муаллифлар маълумотларига кўра, «...бу ўсишнинг катта қисми паст ва ўрта даромадли мамлакатларда яшовчилар деменция билан касалланганлар сонининг кўпайиши билан боғлиқ...»¹. Деменция бутун дунё бўйлаб кекса одамлар орасида ногиронликнинг асосий сабабларидан биридир. Кўплаб ноотроп дорилар мавжудлигига қарамай, улар асосан юқори нархда импорт қилинади ва ўрта ҳамда пастки қатламлардаги аҳоли уларни ҳарид қилиш учун имкониятлари етарли эмас. Шу сабабли комбинацияланган таъсирга эга бўлган янги ноотроп дориларни яратиш, ўзига хос ва токсикологик хусусиятларини, шунингдек антигипоксик таъсирнинг молекуляр механизмларини ўрганиш замонавий тиббиётнинг энг муҳим муаммоли вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда, айниқса туғилиш даражаси ва умр кўриш давомийлиги юқори бўлган худудларда бугунги кунда турли антигипоксик хусусиятларга эга бўлган фармакологик бирикмалардан фойдаланиш бўйича қатор мақсадли илмий изланишларга алоҳида еътибор қаратилмоқда. Бу борада, ноотроп дориларнинг кенг доираси мавжудлигига ва уларнинг таъсир қилиш механизмларидаги фарқга қарамай, мавжуд ноотроп дориларнинг самарадорлиги етарли эмас деб ҳисобланади. Шу сабабли нафақат янги синтетик ноотроп дориларни, балки ҳар бир фаол моддани ўз ичига олган бошқа дори воситалари билан солиштирганда "нарх-сифат" мезонига жавоб берадиган бир нечта моддаларнинг комбинациясини қўллаш имкониятларини ҳам фаол равишда қидириш ишлари олиб борилмоқда. Бемор томонидан қабул қилинган дори миқдорини озайтириш ва шу билан дори юқини камайтириш, терапияни соддалаштириш имкониятларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, фармацевтика саноатини такомиллаштириш, жумладан, маҳаллий хомашё асосида ноотроп, антигипоксик таъсирга эга юқори сифатли дори воситалари яратишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...дори-дармон ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш ҳамда аҳолига арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш тизимини

¹ Мякотных В. С., Сиденкова А. П., Мещанинов В. Н. Когнитивные расстройства позднего возраста // Университетский терапевтический вестник. – 2021. – Т. 3. – №. 4. – С. 61-75.

такомиллаштириш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, янги самарали ва хавфсиз ноотроп, антигипоксик воситаларни ишлаб чиқиш ва яратиш маҳаллий фармакологиянинг долзарб ва юқори талаб қилинадиган соҳаси бўлиб, уларнинг таъсирининг молекуляр механизмларини ўрганиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамиди аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий олимлар гипоксиянинг мия шикастланишига таъсирини, айрим нейротрансмиттер тизимларининг фаолияти ва метаболизмни бузишнинг молекуляр механизмларини ўрганишган, шунингдек, тиббиётда кенг қўлланиладиган турли хил таъсир механизмларига эга бўлган антигипоксантилар ва ноотроп дориларни ишлаб чиқишган.

МДХ мамлакатларида олимлар В.И. Грачев (2018) гипоксиянинг мия, турли органлар ва тўқималарда дисфункционал ўзгаришлар ривожланишига, кислород ташиш функцияси ва митохондриял дисфункцияларнинг ривожланишига таъсири бўйича тадқиқотлар ўтказди, гипоксиянинг турли шакллари ташхислаш ва даволаш учун алгоритмларни ишлаб чиққан. Россия Фанлар академиясининг академиги Л.Д. Лукьянова ва унинг мактаби, А.М. Дудченко ва бошқалар, В.В. Виноградов (2004) гипоксиянинг турли шакллариининг биоэнергетик механизмларини, кислород танқислигига мослашишнинг молекуляр механизмларини ўрганиб чиқишган. С.В. Оковитый, Д.С. Сухановлар (2012) антигипоксантилар ва антиоксидантларнинг клиник ва молекуляр фармакологияси билан шуғулланишган. А.А. Левина ва бошқалар (2009) кислород гомеостазини тартибга солиш, бу жараёнда гипоксия-индукция омилининг (HIF 1a) роли соҳасида тадқиқотлар олиб бордишган. А.Е. Александрова (2015) турли синтетик ва ўсимлик антиоксидантларининг антигипоксик фаоллигини ўрганган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистонда Биофизика ва биокимё, Биоорганик кимё, Ўсимлик моддалари кимёси институти, ТошПМИ ва бошқа тиббиёт олий ўқув юртлари каби кўплаб институтларда ҳам гипоксия ривожланишининг молекуляр механизмларининг таъсири ва уларнинг ситохром С ва антиоксидантлар билан коррекция имкониятлари ўрганилган. Т.С. Соатова раҳбарлигида, Ибрагимова У., Хайбулина З.Р. (2012) гипоксия ривожланишининг молекуляр механизмларини ва уларни ситохром С ва антиоксидантлар билан коррекция қилиш имкониятини батафсил ўрганиб чиқди. Академик Собиров Р.З. раҳбарлигида ва профессор Асраров М.И. (2010) томонидан гипоксия вақтида кислородга боғлиқ тизимларнинг бузилиши механизмларини ва уларни биофлавоноидлар билан коррекция қилиш имкониятини ўрганган. Профессорлар Сыров В.В. ва Хушбақтова З.А. (2009) гипоксиянинг турли моделларида ўсимлик антигипоксантилари ва антиоксидантларини ишлаб чиқиш билан шуғулланган. Бироқ, мамлакатимизда гипоксиянинг турли шаклларида комбинацияланган антигипоксантиларнинг ўзига хос антигипоксик фаоллигини ва молекуляр механизмларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарли даражада ўтказилмаган. Берилган маълумотлар ушбу диссертация ишининг долзарблигини ва уни ўрганиш зарурлигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 011800232 «Айрим патологик ҳолатлар ривожланишининг молекуляр ва хужайравий механизмлари ва уларни коррекция қилиш» (2019–2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: янги маҳаллий «Цитаргин», «Циткорнит» ва «Ноотротем» ноотроп дори воситаларининг таъсир механизмини қиёсий баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нормобарик гипоксик гипоксия ва гемик гипоксия моделларида янги маҳаллий комбинацияланган Цитаргин, Циткорнит ва Ноотротем препаратларининг антигипоксик хоссаларини аниқлаш;

бу дори воситаларни гемик гипоксияли моделида каламушлар қон зардобидида ўзгарган НIF 1a миқдорини тиклаш самараторлигини исботлаш;

гемик гипоксияли моделида янги дори воситаларини эритроцитларда метгемоглобин миқдори ва метгемоглобин редуктаза фаоллигига таъсирини баҳолаш;

гемик гипоксияли моделида янги маҳаллий комбинацияланган дориларни антиоксидант хоссаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида дори воситаларининг ўткир захарлилигини аниқлаш учун 108 та сичқон, ўткир нормобарик гипоксик гипоксия учун 42 та сичқон ва гемик гипоксия модели учун 100 та каламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида янги маҳаллий комбинацияланган ноотроп дорилар Цитаргин, Циткорнит, Ноотротем ва таққослаш препаратлари, экспериментал ҳайвонларнинг периферик қони, яшовчанлиги ва дориларнинг ўткир токсиклиги олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда белгиланган вазифаларга эриши учун биокимёвий, иммунофермент, цитологик, токсикологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тажриба ҳайвонларида нормобарик гипоксия ва сурункали нитрит гипоксия моделида Цитаргин, Циткорнит ва Ноотротем дори воситаларни қўллаш натижасида антигипоксик таъсири мавжудлиги исботланган;

гемик гипоксияни фармакотерапияси жараёнида янги комбинацияланган препаратлар, айниқса Цитаргин, Циткорнит ва Ноотротем узоқ муддатда қўлланилиши натижасида, қон зардобиди НIF 1a миқдорини пасайиши, эритроцитларда MetHb миқдорини камайиши, MetHb-редуктаза фаоллигини ва унинг компенсатор имкониятларини тиклашда юқори самарадорлиги исботланган;

гемик гипоксия моделида Цитаргин, Циткорнит ва Ноотротем препаратлари эритроцитларда антиоксидант ферментлар фаоллигини фаоллашуви ҳисобига гиперлипипероксидацияни олдини олиши исботланган;

янги маҳаллий Цитаргин, Циткорнит ва Ноотротем препаратларининг летал дозаси ЛД 50 > 13000 мг/кг, > 7500 мг/кг ва > 5625 мг/кг дан юқорилиги аниқланиб, уларнинг токсикологик ҳавфсизлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турли гипоксия ҳолатларида янги маҳаллий комбинацияланган Цитаргин, Циткорнит ва Ноотротем ноотроп дори воситаларидан антигипоксик сифатида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

янги комбинирланган дори воситаларнинг ангигипоксик ва антигипоксик таъсир механизмлари асослаб берилган;

Циткорнит ва Ноотротем, айниқса Цитаргин, ангигипоксик ва антиоксидант хусусиятлари бўйича чет эл препаратларидан қолишмайди ва юқори самарали;

Цитаргин, Циткорнит ва Ноотротемнинг паст токсикологик хоссалари ТЕМУР МЕД ФАРМ МЧЖ (Ўзбекистон) ишлаб чиқаришига жорий этилган Ўзбекистон Республикаси Дори воситалари ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш бош бошқармасига ҳужжатларни тақдим этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада экспериментал ҳайвонлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган биокимёвий, иммунофермент, цитологик, токсикологик ва статистик тадқиқот усуллар асосида янги маҳаллий комбинацияланган дориларнинг токсикологик хусусиятларини баҳолаш натижалари халқаро

хамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Цитаргин, Циткорнит ва Ноотротем янги маҳаллий комбинацияланган ноотроп дориларнинг антигипоксик ва антиоксидант хусусиятларининг мавжудлиги исботланлиги, уларнинг таъсир қилишнинг молекуляр механизмлари аниқланганлиги ва дори воситаларининг токсиклиги пастлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янги маҳаллий комбинацияланган ноотроп дорилар нормобарик гипоксик ва гемик гипоксияда антигипоксик таъсирга эга бўлиб, бу хорижий аналоглардан кам эмаслиги, янги дори воситаларининг паст токсиклиги ва уларнинг иқтисодий рентабеллиги исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гипоксияда янги маҳаллий комбинацияланган ноотроп дори воситаларининг антигипоксик таъсирининг молекуляр механизмларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

нормобарик гипоксик гипоксия ва гемик гипоксия моделларида янги маҳаллий комбинацияланган препаратларининг антигипоксик хоссаларини аниқлаш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Тажрибада марказий асаб тизими гипоксик шикастланишини эрта баҳолаш ва замонавий даволаш тамойиллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 18 апрелдаги 8n-r/358-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома НІФ 1а ни аниқлаш ёрдамида марказий асаб тизими гипоксик шикастланишини эрта баҳолаш, касалликларни эрта ташхислаш билан биргаликда самарли даволаш тизимини яратиш имконини берган;

янги маҳаллий «Цитаргин», Циткорнит ва Ноотротем ноотроп дори воситаларининг таъсир механизмини қиёсий баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти тиббий ва биологик кимё, тиббий биология ва умумий генетика кафедраси ва ТГА ОТМИТЛ фармако-токсикологик, биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар лабораторияси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 28 декабрдаги 08-41488-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ноотропларни қўллаш гипоксияни олдини олиш орқали самарали даволаш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та

мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 97 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблигини, мақсади ва вазифаларини асослайди, ўрганиш объекти ва мавзусини тавсифлайди. Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Гипоксик ҳолатларни ривожланишининг молекуляр механизмлари ва уларни коррекциялаш усуллари»** деб номланган биринчи бобида гипоксия ривожланишининг омиллари ва механизмлари, эритроцитлардаги метаболизм жараёнларини гипоксияда бузилишлари, ноотроп дориларнинг таснифи ва таъсир механизми ҳақида маълумотлар берилган. Ишда келтирилган барча адабиёт маълумотлари умумлаштирилган, тизимлаштирилган ва ўрганилган. Кейинги ечимларни долзарб масалалар кўриб чиқилган. Муаммонинг очилмаган ва аниқлаштиришни талаб этувчи жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг **«Тажриба материаллари ва тадқиқот усулларини тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида ўрганилаётган материал ва қўлланилган тадқиқот усулларининг умумий тавсифи берилган. Тадқиқот биокимёвий ва фармакологик тадқиқот усулларига асосланган.

Тажрибалар «Тажриба ва бошқа илмий мақсадларда фойдаланиладиган умуртқали ҳайвонларни муҳофаза қилиш Европа конвенцияси»га (Страсбург, 1985) мувофиқ МЧЖ «New innovation pharm group», фармако-токсикологик лабораториясида ўтказилди. Тажрибада 150 та сичқон ва 100 та каламушда олиб борилди. Ўткир токсиклик хусусияти адабиётда тавсифланган умумий қабул қилинган усул билан ўрганилди. Ҳайвонлар 6 тадан 18 та гуруҳга бўлинган. Дориларнинг ўткир токсиклиги аниқлаш 6 қисмда амалга оширилди.

Антигипоксик фаоллик 100 та етук эркак каламуш ва 42 та етук сичқонларда ўтказилган тажрибаларда гемик ва нормобарик гипоксик гипоксия моделида дорилар ўрганилди. Нормобарик гипоксик гипоксия моделини яратиш учун оғирлиги 20-23 г бўлган 42 та оқ сичқонларда ўтказилди. Тажриба учун сичқонлар 6 тадан 7 та гуруҳга бўлинди: 1-чи гуруҳ — 0,9% NaCl эритмаси (назорат); 2-чи гуруҳ – Цитаргин 780 мг/кг миқдорда; 3-чи гуруҳ – солиштирма препаратлар Тивортин® ООО «Юрия-фарм» корхонаси (Украина) ва Сомазина® Ferrer Internacional SA (Испания) 780

мг/кг; 4-чи гуруҳ – Циткорнит 450 мг/кг; 5-чи гуруҳ – солиштира препаратлар Алмиба Мерфар Иас Sanayii A.S. (Турция) ва Сомазина® Ferrer Internacional SA (Испания) 450 мг/кг; 6-чи гуруҳ - Ноотротем 337,5 мг/кг; 7-чи гуруҳ – солиштира препаратлар Мексидол® ва Пирацетам ОАО Борисовский номидаги тиббий препаратлар корхонаси (Беларусь) 337,5 мг/кг. Дори воситалар 3 кун давомида венага киритилди. 3чи куни дорилар киритилгандан 30 дақиқа ўтгач, 1 тадан сичқонларни 250 мл хажмли герметик идишларга солиб қўйилди. Шу билан бирга, идишга жойлаштирилган вақтдан бошлаб нафас олиш ва ҳайвоннинг ўлимига қадар бўлган дақиқа қайд этилди.

Иккинчи босқичда 100 та етук эркак каламушларда гемик гипоксия моделида юқоридаги дори воситаларининг ноотроп таъсир қилиш механизмларини ўрганилди. 10 та каламуш интакт гуруҳни ташкил этди. Гемик гипоксия модели 90 та каламушда 21 кун давомида 50 мг/кг дозада NaNO_2 ни қорин бўшлиғига юбориш орқали яратилди. Ўлим даражаси 15,5% ни ташкил этди, бу бизнинг фикримизча, кимёвий модданинг токсик таъсири билан боғлиқ. Тажрибанинг 7-кунида тирик қолган 76 та ҳайвонлар 5 гуруҳга бўлинди: 1-чи гуруҳ – 16-та каламушларга NaCl 0,9% эритмаси (назорат); 2-чи гуруҳ – 15-та каламушга Цитиколин эритмаси 375 мг/кг миқдорда киритилди (солиштира гуруҳ); 3-чи гуруҳ – 15-та каламушга Цитаргин эритмаси 780 мг/кг (тажриба-1); 4-чи гуруҳ – 15-та каламушга Циткорнит эритмаси 450 мг/кг (тажриба-2); 5-чи гуруҳ – 15-та каламушга Ноотротем эритмаси 337 мг/кг (тажриба-3). Препаратлар қорин бўшлиғига 7 ва 14 кун давомида киритилди. Бу муддатларда ҳайвонлар жонсизлантириб периферик қоннинг морфологик таркиби, эритроцитлар гемолизатида метгемоглобин (MetHb) ва малон диальдегид (МДА) миқдори, MetHb-редуктаза, каталаза, глутатионпероксидаза (ГПО) фаоллиги аниқланди. Қон зардобидида HIF 1a нинг миқдори иммунофермент усул орқали аниқланди. Материални статистик қайта ишлаш параметрик ва параметрик бўлмаган кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилди. Параметрик кўрсаткичлар орасида Стюдент-Фишер жуфтлик тести ишлатилди.

Диссертациянинг «**Янги ноотроп дори воситаларининг баъзи тасир механизмлари**» деб номланган учинчи бобидида тадқиқотлари натижалари келтирилган.

“Янги ноотроп дори воситаларини антигипоксик ҳусусиятини ўтқир нормобарик гипоксияда аниқлаш” деб номланган бўлимида келтирилган текшириш натижалари шуни кўрсатдики, «Цитаргин» препарати нормобарик гипоксик гипоксия моделида сичқонларнинг гипоксияга чидамлилигини оширади: 780 мг/кг дозада ҳайвонларнинг умрини сезиларли даражада 29,6% узайтиради, яъни препаратни қабул қилган сичқонлар $32,8 \pm 1,7$ дақиқа яшаган бўлса, сичқонларнинг назорат гуруҳида бу кўрсаткич $25,3 \pm 0,47$ дақиқани ташкил қилган (1-жадвал).

Қиёсий дори воситалари ҳайвонларнинг умрини 28,4% га узайтирди. Таққосланган дориларнинг таъсир фоизи ўртасидаги фарқ сезиларли эмас ($p < 0,05$).

1-жадвал

«Цитаргин», «Тивортин» ва «Сомазина»
дори воситаларининг антигипоксик таъсири

Оғирлиги, г	Доза, мг/кг	Эритма ҳажми, мл	Гипоксиядаги ҳаёт давомийлиги, дақиқа	% таъсир
Назорат гуруҳи, NaCl				
21,5 ±1,05	0,9% NaCl	0,3 мл	25,3±0,47	-
ЦИТАРГИН				
21,3 ±1,03	780	0,3 мл	32,8±1,7; p < 0,05	29.6
"Тивортин ®" + "СОМАЗИНА ®"				
21,5 ±1,37	780	0,3 мл	32,5±1,8; p < 0,05	28.4

Изоҳ: бу ерда ишончлилик қиймати (P) назорат гуруҳига нисбатан <0,05.

Антигипоксик таъсирни ўрганишда олинган натижалар шуни кўрсатдики, "Циткорнит" препарати нормобарик гипоксик гипоксия моделида сичқонларнинг гипоксияга чидамлилигини оширади: 450 мг/кг дозада ҳайвонларнинг умрини сезиларли даражада 26,4% узайтиради, яъни препаратни қабул қилган сичқонлар 32,0±1,6 дақиқа яшаган бўлса, сичқонларнинг назорат гуруҳида бу кўрсаткич 25,3±0,47 дақиқани ташкил қилган (2-жадвал).

2-жадвал

Циткорнит ва қиёсий дори воситалари Алмиба ва Сомазина
препаратларининг антигипоксик таъсири

Оғирлиги, г	доза, мг/кг	Эритма ҳажми, мл	Гипоксиядаги ҳаёт давомийлиги, дақиқа	% таъсир
Назорат гуруҳи, NaCl				
21,5 ±1,05	0,9% NaCl	0,3 мл	25,3±0,47	-
Циткорнит				
21,3 ±1,03	450	0,3 мл	32±1,6; p < 0,05	26,4
Алмиба + Сомазина ®				
21,8±0,75	450	0,3 мл	32,2±1,7; p < 0,05	27,2

Изоҳ: бу ерда ишончлилик қиймати (P) назорат гуруҳига нисбатан <0,05.

Қиёсий дорилар Алмиба ва Сомазина 450 мг/кг дозада антигипоксик таъсирга эга бўлиб, ҳайвонларнинг умрини 27,2% га узайтирди. Таққосланган дориларнинг таъсир фоизи ўртасидаги фарқ сезиларли бўлмади (p>0,05).

"Ноотротем" препарати нормобарик гипоксик гипоксия моделида сичқонларнинг гипоксияга чидамлилигини оширди (3-жадвал):

Ноотротем, Мексидол ва Пирацетам дори воситаларининг антигипоксик таъсири

Оғирлиги, г	Доза, мг/кг	Эритма ҳажми, мл	Гипоксиядаги ҳаёт давомийлиги, мин.	% таъсир
Назорат гуруҳи, NaCl				
21,5 ± 1,05	0,9% NaCl	0,3 мл	25,3±0,47	-
Ноотротем				
21,3 ± 1,2	337,5	0,3 мл	31±1,6; p < 0,05	22.5
" Мексидол ®" + " Пирацетам "				
21,67 ± 1,2	337,5	0,3 мл	32±1,8; p < 0,05	26.4

Изоҳ: бу эрда ишончилилик киймати (P) назорат гуруҳига нисбатан <0,05.

337,5 мг/кг дозада ҳайвонларнинг умрини сезиларли даражада 26,4% га узайтиради, яъни препаратни қабул қилган сичқонлар 31,0±1,6 дақиқа яшаган бўлса, сичқонларнинг назорат гуруҳида бу кўрсаткич 25,3±0,47 дақиқани ташкил этди.

Қиёсий дори воситалари «Мексидол ®» ва «Пирацетам» 337,5 мг/кг дозада антигипоксик таъсир кўрсатди ва ҳайвонларнинг умрини 26,4% га узайтирди. Таққосланган дориларнинг таъсир фоизи ўртасидаги фарқ сезиларли эмас (p>0,05).


Олинган маълумотлар текширилаётган дори воситалари антигипоксик таъсирга эга эканлиги исботланди.

“Янги маҳаллий ноотропн препаратларни сурункали гемик гипоксияда даволаш самарадорлиги” деб номланган бўлимида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатдики, даволанмаган гуруҳда ўлим даражаси 25% ни ташкил этган бўлса, Цитаргин, Циткорнит, Ноотротем ва Цитиколин қўллашда 6,7; 13.3; 13,3 ва 13,3% ўлим кузатилди. Даволанмаган гуруҳ каламушларнинг периферик қонида гемоглобиннинг статистик ишонарли ўсиши – 1,4 ва 1,45 марта, эритроцитлар миқдори – 1,6 ва 1,5 марта, лейкоцитлар сони – 2,54 ва 2,5 марта интакт каламушларга нисбатан, 7 ва 14-кунлик тажриба мос равишда ўзгарди. Қондаги тромбоцитлар даражаси сезиларли даражада ўзгармади. Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги тажриба давомийлигига мос равишда сезиларли даражада 10 (P<0,001) ва 10,5 (P<0,001) мартага ошди. Бу, бизнинг фикримизча, нитритлар таъсирида пероксинитритларни кўп миқдорда хосил бўлиши натижасида эритродиерезни фаоллашуви хисобига кўмиқ хужайралардан етук бўлмаган эритроцитлар чиқиши хисобига бўлиши мумкин.

Сурункали гипоксияни Цитаргин, Циткорнит, Ноотротем ва Цитиколин билан 7 кун даволаш гемоглобин миқдори ва эритроцитлар сонини бир мунча камайишига олиб келган бўлса, 14 кунлик даволашда статистик ишонарли пасайиб интакт каламушлар кўрсаткичларига яқинлаштирди. Гемик

гипоксияли ҳайвонларга 7 ва 14 кун давомида Цитаргинни киритилиши лейкоцитлар сонини 1,5 ва 1,7 марта, Циткорнитни қўллашда – 1,4 ва 1,7 марта, Ноотротемда – 1,5 ва 1,7 марта, Цитиколинда – 1,5 ва 1,9 марта муддатларга мос равишда статистик ишонарли камайишига олиб келди, лекин меёрлашув кузатилмади. Шундай ўзгаришлар ЭЧТ кўрсаткичида ҳам кузатилди. Демак, янги комбинирланган ноотроп препаратлар гемик гипоксия асоратларини олдини олиши мумкин экан. Бунда Цитаргин бошқа препаратлар ва Цитиколинга нисбатан самаралироқ бўлди.

“Гемик гипоксия моделида янги маҳаллий дори воситаларининг баъзи молекуляр таъсир механизмлари” деб номланган бўлимида дори воситаларни биокимёвий жараёнларга таъсири ўрганилган. Маълумки, организмнинг кислородга бўлган эҳтиёжи ва уни етказиб бериш ўртасидаги номувофиқлик бир қатор стабилизация механизмларининг фаоллашишига олиб келади. Жумладан, геном даражасида транскрипция жараёнларини экспрессияловчи HIF 1a омилини фаоллашуви гипоксия шароитда оксидланиш жараёнларини тартибга солади, цитохром-С-оксидаза суббирликларини мустахкамлайди ва электронлар ўтказиш жараёнларини самарадорлигини оширади. Бизнинг тадқиқотларимизда гемик гипоксиянинг 14 ва 21-кунларида унинг миқдори қон зардобиди 2,6 ($p < 0,001$) ва 2,2 ($p < 0,001$) марта ошди (1а-расмга қаралсин). Цитаргин, Циткорнит, Ноотротем ва Цитиколин билан фармакотерапиянинг 7 кунда HIF 1a миқдори даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,45 ($p < 0,01$), 1,1 ($p > 0,05$), 1,53 ($p < 0,01$) ва 1,53 ($p < 0,01$) марта камайишига олиб келди. Цитаргин ва Циткорнитни 14 кун давомида қўллашда бу олим миқдорининг камайиб бориши давом этган бўлса, Ноотротем ва Цитиколин препаратларида маълум даражада ортиши аниқланди. Айтиш керакки, Цитаргинни қўллашда HIF 1a миқдори интакт гуруҳдаги кўрсаткичлари қийматига яқинлашди, Циткорнит, Ноотротем ва Цитиколиндан фойдаланганда эса юқориликча сақланиб қолди.



1-расм. Гемик гипоксияли камамушларни янги комбинирланган ноотроп препаратлари билан даволашда қон зардобидидаги HIF 1a (нг/мл) (а) ва гемолизатдаги глюкоза (мг/г Hb) (б) миқдорини ўзгариши.

Эритроцитлар учун асосий энергия манбаи бўлиб глюкозани анаэроб ва пентоза-фосфат йўллари билан оксидланишидир. Тадқиқотлар гемолитик анемия кузатилган каламушларнинг гемолизатида глюкоза миқдори 1,41 ($p<0,01$) ва 1,37 ($p<0,05$) марта тажрибанинг 14- ва 21-кунларида камайишини кўрсатди (16-расмга қаралсин). Бу, бизнинг фикримизча, эритроцитларнинг патологик шаклларни лизиси туфайли энергия манбаларини камайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Цитаргин билан гемик гипоксияни 7 ва 14 кун давомида даволаш бу кўрсаткични статистик ишонарли $4,03\pm 0,32$ ва $4,49\pm 0,23$ мг/г Нб гача оширди, Циткорнитни қўллашда глюкоза миқдори $3,86\pm 0,18$ ва $4,23\pm 0,30$ мг/г Нб гача кўтарилган бўлса, Ноотротемда - $4,00\pm 0,33$ ва $4,31\pm 0,30$ мг/г Нб ва Цитиколин $3,97\pm 0,21$ ва $4,28\pm 0,32$ мг/г Нб гача ортди.

Гемик гипоксияли ҳайвонларнинг периферик қонда MetHb миқдорини тажрибанинг 14чи ва 21чи кунларида 23,2 ($p<0,001$) ва 22,8 ($p<0,001$) маротаба ортиши аниқланди (4-жадвалга қаралсин). Бу эса хужайраларда кислород миқдорининг пасайишига, оксидланувчи фосфорланиш жараёнларини сусайишига, энергия танқислиги ва эркин радикалли жараёнларнинг фаоллашишига олиб келади. Цитаргин, Циткорнит, Ноотротем ва Цитиколин препаратларини гемик гипоксияли ҳайвонларга 7 кун давомида киритилиши MetHb миқдорини статистик ишонарли 1,67; 1,76; 1,7 ва 1,61 маротаба, 14 кун қўлланилганда эса 2,33 ($p<0,001$); 2,43 ($p<0,001$); 2,33 ($p<0,001$) ва 2,3 ($p<0,001$) марта. Бироқ, бу қийматлар интакт ҳайвонлар кўрсаткичларидан статистик ишонарли юқориликка сақланиб қолди.

4-жадвал

Сурункали гипоксияни янги маҳаллий комбинацияланган ноотроп дорилари билан даволашда MetHb миқдори, MetHb-редуктаза фаоллиги ва компентатор имкониятларини ўзгариши, $M\pm m$

Гуруҳлар	MetHb миқдори, г%	MetHb-редуктаза фаоллиги, мкмол/г Нб	MetHb/MetHb-редуктаза
Интакт	$1,53\pm 0,06$ $1,50\pm 0,06$	$0,560\pm 0,025$ $0,583\pm 0,031$	$0,366\pm 0,007$ $0,389\pm 0,011$
Гипоксия + H ₂ O	$35,50\pm 3,64^a$ $34,67\pm 3,76^a$	$0,312\pm 0,012^a$ $0,298\pm 0,017^a$	$0,008\pm 0,001^a$ $0,009\pm 0,001^a$
NaNO ₂ + Цитаргин	$21,17\pm 0,60^{a, б}$ $14,83\pm 0,83^{a, б}$	$0,538\pm 0,028^{a, б}$ $0,547\pm 0,033^{a, б}$	$0,025\pm 0,006^{a, б}$ $0,038\pm 0,007^{a, б}$
NaNO ₂ + Циткорнит	$20,17\pm 0,60^{a, б}$ $14,25\pm 0,54^{a, б}$	$0,512\pm 0,029^{a, б}$ $0,498\pm 0,017^{a, б}$	$0,025\pm 0,002^{a, б}$ $0,035\pm 0,002^{a, б}$
NaNO ₂ + Ноототем	$20,83\pm 0,48^{a, б}$ $14,83\pm 0,65^{a, б}$	$0,533\pm 0,031^{a, б}$ $0,549\pm 0,027^{a, б}$	$0,026\pm 0,003^{a, б}$ $0,037\pm 0,003^{a, б}$
NaNO ₂ + Цитиколин	$22,00\pm 0,58^{a, б}$ $15,08\pm 0,37^{a, б}$	$0,516\pm 0,042^{a, б}$ $0,548\pm 0,030^{a, б}$	$0,023\pm 0,002^{a, б}$ $0,036\pm 0,003^{a, б}$

Изоҳ: 1) суръатда тажрибанинг 14-кун қийматлари, махражда - 21-куни қийматлари; 2) а - интакт ва экспериментал гуруҳлар кўрсаткичлари ўртасидаги фарқлар ишонарли ($p<0,001$), б - даволанган ва даволанмаган гуруҳлар кўрсаткичлари ўртасидаги фарқлар ишонарли ($p<0,001$).

MetHb миқдори эритроцитларда MetHb-редуктаза ферменти таъсирида зарарсизлантирилади. Бу жараён 2 босқичда кечиб: цитохром b₅-редуктаза иштирокида (НАДН.Н-MetHb-редуктаза) ва MetHb нинг С витамини ва глутатион иштирокида кечади. Бу билан йўл 90% MetHb зарарсизлантиради. Шунинг учун биз MetHb-редуктаза фаоллигини эритроцитларда ўргандик. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, сурункали гипоксияли каламушларда MetHb-редуктаза фаоллиги интакт каламушлар қийматларига нисбатан тажрибанинг 14 ва 21-кунларида 1,8 (p<0,001) ва 1,95 (p<0,001) марта камайди (4-жадвалга қаралсин). Сурункали гипоксияни Цитаргин, Циткорнит, Ноотротем ва Цитиколин билан 7 кун давомида фармакотерапияси натижасида MetHb-редуктазанинг паст фаоллиги статистик ишонарли 1,7; 1,64; 1,7 ва 1,65 марта назорат гуруҳи ҳайвонлар қийматларига нисбатан ўсиши кузатилди. Препаратларни 14 кун давомида қўллаш фермент фаоллигини 1,8 (p<0,01), 1,67 (p<0,01), 1,84 (p<0,01) ва 1,83 (p<0,01) марта оширди ва интакт каламушлар кўрсаткичларига яқинлаштирди.

Шуни таъкидлаш керакки, MetHb миқдорини пасайиши ва MetHb-редуктаза фаоллигини ошишига қарамай, MetHb юқори қийматларда сақланиб қолди. Шу муносабат билан биз MetHb-редуктазанинг MetHb миқдорига нисбати коэффицентини ҳисоблаб чиқдик (4-жадвалга қаралсин). Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, интакт каламушларда бу кўрсаткич ўртача 0,366±0,007 дан 0,389±0,011 гача қийматларни ташкил этган бўлса, гемолитик камқонликнинг 14- ва 21-кунларида MetHb-редуктазанинг компенсатор фаолиятини 45,7 (p<0,001) ва 43,2 (p<0,001) пасайиши кузатилди. Гемолитик анемияни Цитаргин билан 7 ва 14 кунлик экспериментал фармакотерапияси натижа бериб даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 3,12 (p<0,001) ва 4,22 (p<0,001) марта оширди. Циткорнитдан фойдаланиш бу кўрсаткични 3,12 (p<0,001) ва 3,89 (p<0,001) мартага, Ноотротемда – 3,25 (p<0,001) ва 4,11 (p<0,001) марта, ҳамда Цитиколин қўлланилганда 2,87 (p<0,001) ва 4 (p<0,001) мартагача ортганини аниқладик. MetHb-редуктазанинг компенсацион қобилиятининг бундай ўсишига қарамай, MetHb нинг тўлиқ зарарсизлантириш кузатилмади.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичи эритроцитлар гемолизатида ЁПО жараёнларини ва антиоксидант ҳимоя ферментларининг фаоллигини ўргандик. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, гемик гипоксия моделида МДА миқдори тажрибанинг 14-чи ва 21-кунларида 2,19 (p<0,001) ва 2,17 (p<0,001) марта ошди (5-жадвалга қаралсин). Гемик гипоксияда 7 ва 14 кун давомида Цитаргинни киритилиши МДА миқдорини 1,92 (p<0,001) ва 2,49 (p<0,001) марта, Циткорнитдан фойдаланганда - 1,82 (p<0,001) ва 1,97 (p<0,001) марта, Ноотротемни киритиш - 1,86 (p<0,001) ва 1,85 (p<0,001) марта, Цитиколин қўллаш эса - 1,85 (p<0,001) ва 1,69 (p<0,01) марта назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан камайишига олиб келди. Олинган маълумотлар барчаси ўрганилаётган препаратларда антиоксидант хусусиятлари мавжудлигини кўрсатади ва MetHb миқдоридаги ўзгаришлар динамикасига мос келади.

Сурункали гипоксияни янги маҳаллий комбинацияланган ноотроп дорилари билан даволашда МДА миқдори, каталаза ва ГПО фаоллигини ўзгариши, М±m

Гуруҳлар	МДА таркиби, нмол / мг оксил	ГПО фаоллиги, мкмоль GSSG/г Нб в мин	Каталаза фаоллиги, мкат / л
интакт	$\frac{27,15 \pm 2,16}{24,59 \pm 2,22}$	$\frac{0,256 \pm 0,021}{0,271 \pm 0,023}$	$\frac{103,66 \pm 8,07}{110,38 \pm 10,01}$
Гипоксия + H ₂ O	$\frac{59,55 \pm 4,34^a}{53,46 \pm 4,37^a}$	$\frac{0,112 \pm 0,010^a}{0,120 \pm 0,011^a}$	$\frac{53,07 \pm 3,12^a}{60,09 \pm 4,90^a}$
NaNO ₂ ± цитаргин	$\frac{31,01 \pm 2,60^{a,б}}{21,48 \pm 1,83^{a,б}}$	$\frac{0,230 \pm 0,012^{a,б}}{0,254 \pm 0,014^{a,б}}$	$\frac{97,25 \pm 8,26^{a,б}}{100,18 \pm 8,07^{a,б}}$
NaNO ₂ ± циткорнит	$\frac{32,74 \pm 2,64^{a,б}}{27,14 \pm 2,33^{a,б}}$	$\frac{0,212 \pm 0,019^{a,б}}{0,243 \pm 0,017^{a,б}}$	$\frac{85,33 \pm 6,01^{a,б}}{90,03 \pm 8,00^{a,б}}$
NaNO ₂ ± ноототем	$\frac{32,08 \pm 3,04^{a,б}}{28,81 \pm 2,06^{a,б}}$	$\frac{0,233 \pm 0,013^{a,б}}{0,249 \pm 0,021^{a,б}}$	$\frac{81,13 \pm 7,44^{a,б}}{90,37 \pm 8,12^{a,б}}$
NaNO ₂ ± цитиколин	$\frac{32,20 \pm 2,85^{a,б}}{31,58 \pm 2,37^{a,б}}$	$\frac{0,216 \pm 0,024^{a,б}}{0,248 \pm 0,023^{a,б}}$	$\frac{80,23 \pm 6,33^{a,б}}{92,03 \pm 7,11^{a,б}}$

Изоҳ: 1) суръатда тажрибанинг 14-кун қийматлари, махражда - 21-куни қийматлари; 2) а - интакт ва экспериментал гуруҳлар кўрсаткичлари ўртасидаги фарқлар ишонарли ($p < 0,001$), б - даволанган ва даволанмаган гуруҳлар кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ фарқлар ишонарли ($p < 0,001$).

ГПО ва каталаза ферментлари асосан эритроцитларда пероксид радикалларини зарарсизлантириш учун ишлатилишини ҳисобга олиб, биз бу ферментларнинг экспериментал ҳайвонларнинг гемолизатидаги фаоллигини ўргандик. Ўтказилган тадқиқотлар гемолитик камқонлик бўлган каламушларда интакт каламушларга нисбатан тажрибанинг 14 ва 21-кунларда ГПО фаоллигининг 2,29 ($p < 0,001$) ва 2,26 ($p < 0,001$) марта пасайишини кўрсатди (5-жадвалга қаралсин). 7 ва 14 кун давомида ноотроп бирикмалар билан экспериментал фармакотерапия ўтказилиши ГПО фаоллигини оширишга ёрдам берди. Хусусан, Цитаргиндан фойдаланганда ГПО фаоллиги 2,05 ($p < 0,001$) ва 2,12 ($p < 0,001$) марта, Циткорнитдан киритилиши - 1,9 ($p < 0,001$) ва 2,03 ($p < 0,001$) марта, Ноотротем қўлланилиши - 2,08 ($p < 0,001$) ва 2,07 ($p < 0,001$) марта, Цитиколин юбориш - 1,93 ($p < 0,001$) ва 2,07 ($p < 0,001$) оширди.

Гемолитик камқонлик ривожланган каламушларнинг гемолизатида каталаза фаоллигини таҳлил қилиш, унинг фаоллиги тажрибанинг 14 ва 21-кунларида интакт ҳайвонлар қийматларига нисбатан 1,95 ($p < 0,001$) ва 1,84 ($p < 0,001$) мартага пасайганлигини кўрсатди. 7 ва 14 кун давомида ноотроп дори воситалари билан экспериментал фармакотерапияда каталаза фаоллигини оширишга ёрдам берди. Хусусан, Цитаргиндан фойдаланганда каталаза фаоллиги 1,83 ($p < 0,001$) ва 1,68 ($p < 0,01$) марта, Циткорнит

ишлатилганда - 1,61 ($p < 0,01$) ва 1,5 ($p < 0,01$) марта, Ноотротемнинг киритилишида - 1,52 ($p < 0,01$) ва 1,5 ($p < 0,01$) марта, Цитиколин қўлланган гуруҳда эса 1,51 ($p < 0,01$) ва 1,53 ($p < 0,01$) марта ошишига олиб келди.

Олинган маълумотларни таҳлил қилиб, шуни айтишимиз мумкинки, Цитаргин ва Циткорнит биз фойдаланадиган дорилар орасида энг юқори антигипоксик фаолликка эга. Ушбу дориларнинг антигипоксик таъсири клиникада кенг қўлланиладиган Цитиколиндан кам эмас. Цитаргиннинг янада аниқ антигипоксик таъсири, бизнинг фикримизча, таркибида Цитиколин ва L-агринин мавжудлиги билан боғлиқ. Адабиётларга кўра, Цитиколин баъзи фосфолипазларнинг фаоллигини оширади, эркин радикалларнинг қолдиқ шаклланишига тўсқинлик қилади, мембрана тизимларининг шикастланишини олдини олади ва ҳимоя антиоксидант тизимининг сақланишини таъминлайди. Апоптоз механизмларига таъсир қилиб, зарарланган тўқималарнинг ҳажмини камайтиради ва хужайралар фаолиятини барқарорлаштиради, уларнинг ўлимини олдини олади.

Шу билан бирга, L-аргинин тананинг кўплаб ҳаётий функцияларининг фаол ва кўп қиррали хужайрали регулятори бўлиб, тананинг муҳим бўлган ҳимоя таъсирини намойиш этади. Аргинин гидрохлориди антигипоксик, мембранани барқарорлаштирувчи, цитопротектив, антиоксидант, антирадикал, детоксикация қилувчи фаолликни намойиш этади, оралик метаболизм ва энергия таъминоти жараёнларининг фаол регулятори бўлиб, организмдаги гормонал мувозанатни сақлашда рол ўйнайди. Унинг муҳим хусусияти қон томир тонусини тартибга солишдир, чунки у эндотелоцитларда азот оксиди синтезини катализловчи фермент NO-синтаза учун субстратдир.

Циткорнитда, цитиколиндан ташқари, хужайрадаги метаболик жараёнларни кучайтирадиган левокарнитин мавжуд. Унинг ион алмашинадиган насослар ва нейрорецепторларнинг ишлашидаги роли исботланган, препарат тўқималарнинг гипоксияга чидамлилигини оширади, апоптознинг ривожланишига тўсқинлик қилади, зарарланган худудни чеклайди ва асаб тўқималарининг тузилишини тиклайди.

Ноотротем организмнинг асосий зарар етказувчи омиллар таъсирига, кислородга боғлиқ бўлган патологик ҳолатларга чидамлилигини оширади. МEGПC қоннинг микроциркуляцияси ва реологик хусусиятларини яхшилайти, тромбоцитлар агрегациясини камайтиради, бу эса мия метаболизмни тиклашга олиб келади.

“Янги маҳаллий ноотроп дориларнинг ўтқир токсиклигини ўрганиши” деб номланган бўлими маҳаллий ноотроп дори воситалари ва қиёсий препаратининг ўтқир токсиклигини ўрганишга бағишланган. Олинган натижалар б-жадвалда келтирилган.

Ноотроп дори воситаларининг ўткир захарлиликни аниқлаш

Гр	«Цитаргин»			«Тивортин®» + «Сомазина®»		
	доза	юбориш йўли	натига	доза	юбориш йўли	натига
	мг/кг			мг/кг		
1	7800	к/б	0/6	7800	к/б	0/6
2	10400	к/б	0/6	10400	к/б	0/6
3	13000	к/б	0/6	13000	к/б	0/6
LD ₅₀	> 13000мг/кг					
Гр	«Циткорнит»			«Алмиба» + «Сомазина®»		
	доза	юбориш йўли	натига	доза	юбориш йўли	натига
	мг/кг			мг/кг		
1	4500	к/б	0/6	4500	к/б	0/6
2	6000	к/б	0/6	6000	к/б	0/6
3	7500	к/б	0/6	7500	к/б	0/6
LD ₅₀	> 7500мг/кг					
Гр	Ноотротем			Мексидол + Пирацетам		
	доза	юбориш йўли	натига	доза	юбориш йўли	натига
	мг/кг			мг/кг		
1	3375	к/б	0/6	3375	к/б	0/6
2	4500	к/б	0/6	4500	к/б	0/6
3	5625	к/б	0/6	5625	к/б	0/6
LD ₅₀	> 5625 мг/кг					

Тадқиқотлар 6 серияда олиб борилган, уларнинг ҳар бир гуруҳида 6 тадан сичқонлар олинган ва дори воситалар қорин бўшлиғига киритилган. 1-чи серияда Цитаргин эритмаси қуйдаги дозаларда киритилган: 1 гуруҳ – 7800 мг/кг; 2 гуруҳ – 10400 мг/кг ва 3 гуруҳ – 13000 мг/кг. 2-чи серияда Тивортин® (96 мл) ва Сомазина® (4 мл) эритмалари биргаликда қуйдаги миқдорда киритилган: 1 гуруҳ - 7800 мг/кг; 2 гуруҳ - 10400 мг/кг; 3 гуруҳ - 13000 мг/кг. 3-чи серияда Циткорнит эритмаси қуйдаги миқдорда киритилган: 1 гуруҳ - 4500 мг/кг; 2 гуруҳ - 6000 мг/кг; 3 гуруҳ - 7500 мг/кг юборилган. 4-чи серияда Алмиба (10 мл) и Сомазина® (4 мл) + 86 мл инъекция учун сув сувли эритмаси қуйдагича киритилган: 1 гуруҳ - 4500 мг/кг; 2 гуруҳ - 6000 мг/кг; 3 гуруҳ - 7500 мг/кг. 5-чи серияда Ноотротем сувли эритмаси қуйдагича киритилган: 1 гуруҳ - 3375 мг/кг; 2 гуруҳ - 4500 мг/кг; 3 гуруҳ - 5625 мг/кг. 6-чи серияда Мексидол® (5 мл) ва Пирацетам (5 мл) + 90 мл 0,9% NaCl қуйдагича киритилган: 1 гуруҳ доза - 3375 мг/кг; 2 гуруҳ - 4500 мг/кг; 3 гуруҳ - 5625 мг/кг юборилган.

Цитаргин, Циткорнит ва Ноотротем препаратларининг летал дозаси > 13000 мг/кг, > 7500 мг/кг ва > 5625 мг/кг дан юқорилиги ва хавфсиз дори воситалари эканлиги аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

«Янги комбинацияланган ноотроп дори воситаларининг молекуляр механизмларини ўрганиш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўткир нормобарик гипоксия ва гемик гипоксия моделларида Циткорнит, Ноотротем ва, айниқса Цитаргин, препаратларининг антигипоксик хусусияти аниқланган. Уларнинг таъсири кенг қўлланиладиган антигипоксиклардан қолишмайди.

2. Сурункали нитрит гипоксия моделида Цитаргин, Циткорнит ва Ноотротем комбинирланган янги ноотроп препаратлар кескин кўтарилган $\text{NIF } 1\alpha$ миқдорини пасайтиради. Улар орасида Цитаргин ва Циткорнит препаратлари юқори самаралидир.

3. Янги маҳаллий антигипоксиклар гемик гипоксияда кузатиладиган MetHb нинг юқори миқдорини пасайишига, MetHb-редуктаза фаоллигини ошишига ва унинг компенсатор имкониятларини ошишига олиб келади. Препаратлар эритроцитлар гемолизатидаги паст глюкоза миқдорини оширади.

4. Цитаргин, Циткорнит, Ноотротем ва Цитиколин препаратлари антиоксидант таъсирга эга бўлиб, сурункали нитрит гипоксиясида кузатиладиган эритроцитлардаги гиперлипопероксидацияни сусайтиради ва антиоксидант ҳимоя ферментлари фаоллигини оширади. Улар орасида Цитаргин узок муддатда қўлланилганда юқори антиоксидант хусусиятга эга.

5. Янги маҳаллий комбинирланган Цитаргин, Циткорнит ва Ноотротем ноотроп препаратлари турли хилдаги гипоксияларда кузатиладиган метаболик бузилишларни фармакотерапиясида самарали хавфсиз дори воситаси сифатида ишлатилиши мумкин.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

КАСИМОВ ЭЛДОР РИХСИЛЛАЕВИЧ

**ИЗУЧЕНИЕ МОЛЕКУЛЯРНЫХ МЕХАНИЗМОВ НОВЫХ
КОМБИНИРОВАННЫХ НООТРОПНЫХ ПРЕПАРАТОВ**

03.00.01 –Биохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2021.1.PhD/Tib1605.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyo Net» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель:

Иноятова Феруза Хидаятовна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Арипов Абдумалик Нигматович
доктор медицинских наук, профессор
Эргашева Мукаррамой Журабоевна
доктор биологических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский педиатрический медицинский институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2023 года в ___ часов на заседании разового научного совета на основе научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib30.03 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фараби, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за №___). (Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фараби, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2023 года
(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2023 года).

Г.И. Шайхова

Председатель разового научного совета на основе
научного совета по присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Ученый секретарь разового научного совета на основе
научного совета по присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, доцент

М.Ж. Аллаева

Председатель разового научного семинара при разовом
научном совете на основе научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор биологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире по статистике (ВОЗ), 47,5 миллиона человек страдают от деменцией, и 7,7 миллионов новых случаев выявляются каждый год. К 2050 году в мире ожидается 140 млн. больных, то есть примерно в три раза больше, чем сегодня. «...Значительная часть возрастания обусловлена приростом количества людей с деменцией, живущих в странах с невысоким и средним показателем дохода...»¹. Во всем мире главной причины инвалидности среди пожилых и лиц старческого возраста рассматривается деменция. Несмотря на наличие большого количества ноотропных препаратов с различным механизмом действия, в основном они являются импортными с высокой стоимостью, направлены на определенный механизм развития гипоксии и деменции, не доступны для среднего и низшего слоёв населения. В связи с этим одной из актуальных задач современной медицины является создание новых комплексных ноотропных препаратов с комбинированным действием, изучение специфических и токсикологических характеристик, а также молекулярных механизмов антигипоксического действия.

Во всем мире, особенно в регионах, с высокой рождаемостью и продолжительностью жизни, в настоящее время особое внимание уделяется ряду целевых научных исследований по применению фармакологических соединений с различными антигипоксическими свойствами. В этом отношении, несмотря на наличие большого разнообразия ноотропных препаратов и различие механизмов их действия, эффективность существующих ноотропных препаратов считается недостаточной. Именно поэтому активно ведется поиск не только новых синтетических ноотропных препаратов, но и исследуется возможность применения комбинации нескольких веществ, которые соответствуют критерию «цена-качество», в сравнении с другими лекарственными препаратами, в которых каждое активно действующее вещество содержится отдельно. Они хорошо себя зарекомендовали благодаря способности уменьшать количество препаратов, принимаемых пациентом, и таким образом снижают лекарственную нагрузку. Исследования, направленные на упрощение такой схемы терапии, способствующих эффективному соблюдению рекомендаций врача пациентом, имеет важное научное и практическое значение.

В нашей стране в последние годы проводятся по обеспечению современной квалифицированной медицинской помощью населения, по совершенствованию собственной фармацевтической промышленности, направленные на создание качественных лекарственных средств, в том числе и обладающих ноотропным, антигипоксическим действием на основе местных сырьевых ресурсов. В стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 гг разработана программа, определены важные задачи: «...2022-2023 годах дальнейшее развитие системы здравоохранения республика, защита здоровья

¹ Мякотных В. С., Сиденкова А. П., Мещанинов В. Н. Когнитивные расстройства позднего возраста // Университетский терапевтический вестник. – 2021. – Т. 3. – №. 4. – С. 61-75.

населения и повышение квалификации медицинских работников, а также комплекс стратегических мероприятий по совершенствованию здравоохранения на 2022-2026 года...»². Решение вышеперечисленных задач позволит предупредить развитие различных заболеваний, совершенствовать диагностику, повысить качество медицинского обслуживания, внедрение современных методов фармакотерапии различных заболеваний позволит повысить эффективность и безопасность лечения. В связи с этим разработка и создание новых эффективных и безопасных ноотропных антигипоксических средств являются актуальным и крайне востребованным направлением отечественной фармакологии, а изучение молекулярных механизмов их действия является актуальной проблемой биохимии и молекулярной фармакологии.

Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Указа Президента Республики Узбекистан ПУ-215 от 25 мая 2021 года «Дополнительных мерах по комплексному развитию системы здравоохранения», Указа Президента Республики Узбекистан ПУ-215 от 25 апреля 2022 года «О дополнительных мерах по сближению первичного медико-санитарного звена здравоохранения населению и повышению эффективности медицинского обслуживания», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

